



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G ‘ I

2021 yil “05” 19

№ 269

Toshkent sh.

**Тиббиёт муассасаларини ободонлаштириш
ва кўкаламзорлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йилнинг 2 ноябрь куни ўтказилган селектор йиғилишида берилган топшириққа асосан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар бир тиббиёт муассасалари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва республика тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарларига:

- жорий йил куз мавсумида **ҳудудларнинг иқлимига мос** равишда кўкаламзорлаштириш, **манзарали, мевали дарахт, бута кўчатлари** ҳамда **терақ қаламчаларини** экиш режасини **бир кун муддатда** иловага мувофиқ шаклда тасдиқласин;

- кўчат экиш ва экилган кўчатларни тўлиқ ундириб олиш учун барча амалий чора-тадбирлар, жумладан, суғориш, ишлов ва ўғит бериш, экилган кўчатларни парваришлаш, уларни зараркурандалардан ҳимоя қилиш ва пайҳон этилишининг олдини олиш устидан таъсирчан назорат ўрнатиш;

- тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчиликка кўчат экиб, боғ яратиш халқимизнинг азалий қадриятларидан эканлиги, ўзимиз яшаб турган жойни кўкаламзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлиши, турмушимиз файзли ва фаровон бўлиши тўғрисида тарғибот ишларини амалга ошириш;

- мазкур жараёнда мажбурий меҳнатга умуман йўл қўймаслиги ҳар ким хошиш ва истагига кўра иштирок этиш;

- **“Кўчат экиб, боғ яратайлик”** лойиҳаси доирасида кўрик-танлов ташкил этиш, бунда қаламчадан терақ ёки бошқа кўчатни экиб, ўстирганлар, ландшафт-дизайн яратганлар орасидан ғолиб тиббиёт ходимларини эсдалик совғалари билан рағбатланатириш;

- муассасаларда “Яхшидан боғ қолади” деган ғоя асосида “Энг обод тиббиёт муассасаси” кўрик танлови ташкил этилиб, муносиб тақдирлаш чоралари кўриш;
- ҳар ҳафтанинг пайшанба куни ҳудудларда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни вазирликнинг Соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, уни эксплуатация қилиш ва транспорт ҳисобини юритиш бошқармасига тақдим этилиши сўралади.

2. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари У. Сабилов зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Хаджибаев

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги муассасаларда 2021 йил куз мавсумида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчаклари ҳамда каламчаларни экиш режаси

№	Туман/наҳарлар номи	Жами екилган кўчатлар сони	Каштан	Қрим қарагайи	Эман	Венгрия арчаси	Шарк арчаси	Япон сафораси	Катальпа	Шўмтол	Қайрағоч	Тўт	Заранг дарахти	Акация	Терак	Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари	Мевали дарахт кўчатлари	Каламчалар
1																		
2																		
...																		

Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Ф. И. О.